
"Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарвалик мусобақасининг туман босқичи ўтказилди

Мамлакатимиз тинчлиги — бевосита сарҳадларимиз хавфсизлигига боғлиқ. Сарҳадларимизни эса халқига муҳаббати бўлган, Ватанига садоқатли чегарачилар қўриқлайди.

Чегарачи ёшларни босқичма-босқич тайёрлаб бориш, уларда шижоат, жасорат, интизом каби жиҳатларни шакллантириш мақсадида ўқувчи ёшлар ўртасида "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ўтказиб келинмоқда.

Бугун туманимизнинг Анорзор қишлоғида жойлашган 9229-ҳарбий қисмга қарашли 11-қўриқлаш взводида ҳарбий қисм ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ушбу мусобақанинг туман босқичи ўтказилди.

Бир-биридан қизиқарли кечган шартлар натижаларига кўра, туманимизнинг 19-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ғолиб деб топилиб, ҳарбий қисм ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар ва мусобақанинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Шу муносабат билан 19-умумий ўрта таълим мактаби жамоасини ғолиблик билан самимий муборакбод этиб, кейинги босқичларда ҳам зафарлар тилаб қоламиз.

2024-04-02 21:24:33